

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУКСОНБОЕВ НУРМУХАММАД ХАМЗАЕВИЧ**

**КАТТА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА БИР ТОМОНЛАМА ЮҚОРИ ЛАБ  
ВА ТАНГЛАЙ КЕМТИГИНИ ЖАРРОХЛИК ДАВОСИДАН СЎНГ  
БУРУН ДЕФОРМАЦИЯСИНИ ЭСТЕТИК ВА ФУНКЦИОНАЛ  
РЕАБИЛИТАЦИЯСИ.**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд– 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Туксонбоев Нурмухаммад Хамзаевич**

Катта ёшдаги беморларда бир томонлама юқори лаб  
ва танглай кемтигини жаррохлик давосидан сўнг бурун  
деформациясини эстетик ва функционал реабилитацияси..... 3

**Туксонбоев Нурмухаммад Хамзаевич**

Эстетическая и функциональная реабилитация после  
хирургического лечения деформации носа у взрослых  
с односторонней расщелиной губы и неба..... 25

**Tuksonboev Nurmuhammad Khamzaevich**

Aesthetic and functional rehabilitation after surgical treatment  
of nasal deformity in adults with  
unilateral cleft lip and palate ..... 45

**E'lon qilingan ishlar ro'uxati**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУКСОНБОЕВ НУРМУХАММАД ХАМЗАЕВИЧ**

**КАТТА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА БИР ТОМОНЛАМА ЮҚОРИ ЛАБ  
ВА ТАНГЛАЙ КЕМТИГИНИ ЖАРРОХЛИК ДАВОСИДАН СЎНГ  
БУРУН ДЕФОРМАЦИЯСИНИ ЭСТЕТИК ВА ФУНКЦИОНАЛ  
РЕАБИЛИТАЦИЯСИ.**

**14.00.21 – Стоматология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд– 2024**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2510 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ризаев Жасур Алимджанович**  
Тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Юлдашев Абдуазим Абдувалевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Юсупов Руслан Доккаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Россия Федерацияси)

**Етакчи ташкилот:**

**МАРА Технология университети (Малайзия)**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университет ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс 6623775(366); e-mail: [ilmiyprorektori@sammu.uz](mailto:ilmiyprorektori@sammu.uz))

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 18 уй. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс 6623775 (366)

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ғ.У. Лутфуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ғ.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Т. Насретдинова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги.** «Орофасциал нуқсонлар энг кенг тарқалган краниофасциал туғма нуқсонлардан бири бўлиб энг кенг тарқалган туғма аномалиялардан иккинчи ўринда туради ва мисли кўрилмаган, шунингдек ҳал етилмаган тиббий, ижтимоий ва иқтисодий саломатлик муаммосидир»<sup>1</sup>. Лаб ва танглай кемтиги (ЛТК) ҳар 10 000 туғилишда тахминан 4,5 тани ташкил қилади. Болалик давраги бирламчи ринопластикада бурун деформациясини тузатиш бўйича эришилган ютуқлар ва ривожланишга қарамай, тўлиқ ЛТК га хос бўлган тўқималар етишмовчилиги ва альвеоляр силжиш бирламчи ринопластиканинг эстетик ва функционал натижасига эришишни қийинлаштириши мумкин, бу эса кўпинча қайта ринопластика ўтқазилганга олиб келади. Ушбу беморларни тўлиқ реабилитация қилиш учун катталарда иккиламчи ринопластикани ўтқазилган зарур. Бирламчи ва иккиламчи жарроҳлик даволашда, беморларни етарли даражада эстетик ва функционал баҳолаш билан ЛТК анатомик мураккабликларини тўлиқ тушунган ҳолда комплекс кўп томонлама ёндашув замонавий жарроҳлик стоматологиясининг энг мураккаб ва муҳим масалаларидан биридир. Адабиётларда тасвирланган ринопластика техникасининг сони ЛТКни бирламчи бартараф этилгандан кейин, бурун деформацияси учун иккиламчи ринопластиканинг мураккаблашган табиатидан далолат беради. Шунга кўра, ушбу тоифадаги беморларнинг эстетик ва функционал қониқиши нуқтаи назаридан, буруннинг иккиламчи деформациясини тўлиқ тузатиш жарроҳлик стоматологлари учун қийин мақсад бўлиб қолмоқда, бу ҳам ўрнатилган жарроҳлик протоколи ёки алгоритмининг йўқлиги билан боғлиқдир.

Жаҳон амалиётида, ҳозирги вақтда, бир томонлама ЛТК бартараф этилгандан сўнг, беморларда буруннинг иккиламчи деформациясини ривожланиш хавфининг дастлабки ва мураккаб диагностикаси билан боғлиқ ҳолат, энг долзарб саволлардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг кўламли ишлар давом эттирилмоқда. Болалар ва катталар юз-жағ жарроҳлиги соҳасида, хусусан, лаб ва танглай кемтиги билан хасталанган болаларни ўз вақтида ташхислаш ва аниқлаш, бирламчи хейлопластикага ортодонтик тайёргарлик кўриш ва беморларни реабилитация қилишда ижобий натижаларга эришилмоқда. Шу билан бирга, даволашнинг тез ва узоқ муддатли натижаларини яхшилаш, шунингдек, лаб ва танглай кемтигини бирламчи жарроҳлик тузатишдан сўнг, буруннинг оғир деформациясининг олдини олиш учун ушбу

---

<sup>1</sup> Sazo J.S., Molina R.T., Fierro-Monti C., Perez-Flores A. Presurgical orthopedics in patients with cleft lip and palate: nutrition, aesthetics and gap between maxillary segments. A systematic review. *Odontostomatología*. 2021; 23(38)

беморлар далилларга асосланган тадқиқотларни талаб этмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.11.2023 й. ПҚ-22 сонли Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати фаолияти ҳамда болаларга ногиронликни белгилаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори билан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлақонли ҳаёт тарзини юритиши ҳамда уларни реабилитация қилишга тугри йўналтириш вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, ҳар бир алоҳида ҳолатда жарроҳлик усулини танлашда индивидуал ёндашув билан, ЛТКнинг мураккаблигини тушунган ҳолда, бирламчи ва иккиламчи жарроҳлик йўли билан тузатиш натижаларини яхшилаш ҳозирги куннинг асосий йўналишларидан биридир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сон қарори билан тасдиқланган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 18-декабрдаги ПҚ-4063-сонли “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қуллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ва “Шошилиш тиббий ёрдам тизимини такомиллаштиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018-йил 26-январдаги ПҚ-3494-сон қарори, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатлар ижросини амалга оширишга маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда дунёда бир томонлама ЛТК бартараф этилгандан сўнг, иккиламчи бурун деформациялари сони доимий равишда ўсиб бормоқда, уларнинг ривожланиши инфекциялар, гематомалар, серомалар, лаблар дивергенцияси, бирламчи пластикасидан 2-3 ҳафта ўтгач пайдо бўладиган чоклар асоратлари, Купидон ёйининг нотўғри марказлаштирилганлиги, оғизнинг айлана мушакларининг етарли даражада чиқарилмаганлиги ва унинг барча толалари етарли даражада тикилмаганлиги, буруннинг етарли даражада тикланмаганлиги ёки операциядан кейинги травма, юз ўсишининг таъсири кабилардан келиб чиқмоқда (Schonmeyr В. ва бошқ., 2015; Sittah G.A. ва бошқ., 2018). Шунга кўра, жарроҳнинг бирламчи ринопластикада мумкин бўлган энг яхши натижага эришиши учун пухта режалаштириш ва доимий саъй-ҳаракатларига қарамай, беморларнинг 70-80 фоизда буруннинг иккиламчи деформацияси юзага келади (Tatum S.A.

ва бошқ., 2014; Schonmeyr В. ва бошқ., 2015; Yin J. ва бошқ., 2022). Маълумки, кўплаб жарроҳлик муолажалари ва уларнинг модификациялари бурун деформациясига нисбатан объектив ва субъектив эстетик натижаларни яхшилашга қаратилган. Бироқ, маълумки, беморларнинг кўп қисми, бир томонлама ЛТК бартараф этилгандан сўнг, турли даражадаги нафас йўлларининг обструкциясидан ҳам азият чекишади, бу ҳаёт сифатига, аниқроғи, психо-эмоционал ва функционал ҳолатга сезиларли таъсир қилади (Nakamura ва бошқ., 2019; Jeong ва бошқ., 2018).

Бугунги кунда кўплаб жарроҳлик усуллари мавжуд бўлиб, жумладан, юқори ёки пастки латерал тоғай, композит V-Ү тоғай шиллик пардасини кўтариш ва бурун деформациясини бартараф қилиш мақсадида, тоғай трансплантларини септопластика билан бирга қўллаш энг яхши эстетик ва функционал натижаларни кўрсатиши маълум бўлиб, ЛТК беморлар клиник амалиётида кенг эътирофга сазовор булди (Zhang L., 2018; Sazo J.S., 2010; Jeong ва бошқ., 2012).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ЛТК билан хасталанган беморларда бирламчи ва иккиламчи жарроҳликдан олдин, ЛТКнинг мураккаблигини тушуниш фонида бирламчи жарроҳлик турини тўғри танлаш, замонавий мослаштирилган анкета ёрдамида иккиламчи жарроҳликдан сўнг буруннинг эстетик таъсири ва функционал ҳолатини баҳолаш учун қўшимча тадқиқотлар талаб қилинади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат Тиббиёт университетнинг 5436–012000262 рақамли «Жароҳатлар, хирургик касалликлар ва ўсмаларнинг профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг замонавий технологияларини яратиш ва жорий этиш» мавзусидаги илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилди.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Бир томонлама юқори лаб ва танглай тўлиқ туғма нуқсонли беморларда, хейлопластикадан кейинги буруннинг иккиламчи деформацияси операциясидан кейинги, реабилитация самарадорлигини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бир томонлама ЛТК бўлган беморларда бирламчи бир томонлама хейлопластикадан сўнг, операция техникасига қараб лаб, танглай ва бурун деформациясининг характерли клиник ва анатомик хусусиятларини ўрганиш;

бир томонлама ЛТК бўлган болаларда лаб ва буруннинг иккиламчи деформациясини шаклланишига бирламчи операция усуллари таъсирини ўрганиш;

бир томонлама ЛТКни бирламчи жарроҳлик йўли билан тузатишдан сўнг назолабиал соҳанинг объектив эстетик натижасини таҳлил қилиш;

NOSE ва модификациялаштирилган ROE сўровномаси шкаласи ёрдамида изоляцияланган ринопластика ва ринопластика билан биргаликда септопластикадан фойдаланишга қараб, ЛТК билан хасталанган беморларда, буруннинг иккиламчи деформациясини бартараф этгандан кейин, беморларнинг ташқи нафас олиш функциясида қониқишини баҳолаш;

бир томонлама юқори лаб ва танглай кемтиги бўлган беморларни комплекс реабилитация қилишда бурун деформациясини эстетик ва функционал реабилитациясини такомиллаштириш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 106 нафар Самарқанд Давлат Тиббиёт университети, Юз-жағ жарроҳлиги кафедраси базаси ва “Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази” жағ- юз жарроҳлиги бўлимида, 2020-2023 йилларда бир томонлама лаб ва танглай кемтиги бартараф этилгандан кейин, буруннинг иккиламчи деформацияси билан хасталанган беморлар танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** изоляцияланган ринопластика ва ринопластиканинг септопластика билан биргаликда қўлланилишига қараб, буруннинг иккиламчи деформациясини жарроҳлик йўли билан тузатишнинг эстетик ва функционал, ҳамда объектив ва субъектив натижаларини қиёсий ўрганиш ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумий клиник, ретроспектив ва проспектив таҳлил (NOSE, ROE ва VAS сўровномалари буйича маълумотлар йиғиш), лаборатор ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор, бир томонлама юқори лаб ва танглай кемтикли беморларнинг хейлопластика операциясидан кейинги бурун деформациясини ринопластика+септопластика ва ринопластиканинг ўзини қўллаган ҳолда буруннинг функционал ва эстетик натижалари асосланган;

бир томонлама юқори лаб ва танглай кемтигининг хейлопластикадан кейинги бурун ва юқори лаб қизил хошиясининг V шаклидаги тирқиши ва лаб контурининг оғиши каби деформацияси асосланган;

илк бор, бир томонлама юқори лаб ва танглай кемтикли беморларда буруннинг иккиламчи деформациясини бартараф этиш учун тоғайли трансплантант ёрдамида септопластика қилиш самарадорлиги исботланган;

бир томонлама юқори лаб ва танглай кемтикли беморларни хейлопластикадан кейинги бурун деформациясини операциядан олдинги ва операциядан кейинги кўрсаткичлар ROE суровномасига асосланган ҳолда ринопластика+септопластика ўтқазилган гуруҳ беморларда буруннинг вентиляция вазифаси ва бурун тусигини оғишини баҳолаш орқали реабилитация самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

назолабиал сохани ягона компонент сифатида баҳолаш натижалари бир қатор мутахассислар (1 та пластик жаррох, 1 та ортодонт, 1 та болалар юз-жағ жаррохи ва 1 та болалар стоматологи) нинг тажрибасига боғлиқлиги исботланган;

бир томонлама ЛТК бартараф этилгандан сўнг, беморларда буруннинг иккиламчи деформацияси бўйича жарроҳлик операциясини объектив эстетик ва функционал баҳолаш учун NOSE клиник сўровномаси ишончли ва аниқ скрининг усули эканлиги асосланган;

модификациялаштирилган ROE сўровномаси бир томонлама ЛТКни бартараф этгандан сўнг бурун деформацияси учун иккиламчи операциянинг функционал ва эстетик натижасини янада қулайроқ ва ўзига хос субъектив баҳолашга ёрдам бериши исботланган;

ринопластикада тоғай трансплантантидан фойдаланган ҳолда ўтказилган септопластика усули изоляция қилинган ринопластикага нисбатан эстетик ва функционал таъсир жиҳатидан устун эканлиги аниқланди;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишида қўлланилган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, тасдиқланган замонавий, бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи клиник-лаборатор, инструментал усуллар ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, ўтказилган таҳлиллар натижаларининг аниқлиги ва статистик ишлов берилганлиги, шунингдек, олинган маълумотларни ҳалқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганлиги, хулосалар ҳамда олинган натижаларнинг асосланганлиги ва уларнинг ишончлилиги ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, буруннинг иккиламчи деформациясини ривожланишига сабаб бўлувчи омиллар ва бирламчи хейлопластиканинг турли усуллари билан беморларнинг эстетик ва функционал қониқиш даражасини ўрганишга, бундан ташқари иккиламчи бурун деформацияси жарроҳлик амалиётидан кейин бурун обструкциясини субъектив баҳолашда VAS сўровномаси билан модификациялаштирилган ROE сўровномасини солиштирганда юқори ўзига хослигини аниқлашга катта ҳисса қўшади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, бир томонлама ЛТКни бартараф этгандан кейин, иккиламчи деформацияси бўлган беморларда объектив баҳолаш учун қўлланиладиган NOSE клиник сўровномасини субъектив баҳолаш учун модификациялаштирилган ROE сўровномаси билан биргаликда қўллаш, бурун ўрта тўсиғи тоғайи ва композит V-Ү тоғай трансплантанти ёрдамида ўтказилган септопластикали ринопластика амалиётининг изоляция қилинган ринопластикага нисбатан юқори эстетик ва функционал эффекти аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бир томонлама ЛТКни бартараф этгандан сўнг бурун деформациясини жарроҳлик йўли билан тузатишнинг эстетик ва функционал натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқот натижаларига кўра:

"Хейлоуранопластикадан кейин буруннинг иккиламчи деформациясини баҳолаш усули" (Самарқанд Давлат Тиббиёт университети экспертлар кенгашининг 05.07.2023 йилдаги хулосаси);

“Хейлопластикадан сўнг бир томонлама лаб ва танглай кемтики бўлган беморларда бурун деформациясининг клиник ва анатомик хусусиятлари” номли услубий тавсияномалар (Самарқанд Давлат Тиббиёт университети экспертлар кенгашининг 05.07.2023 йилдаги хулосаси) амалиётга жорий этилди.

Таклиф этилган тавсияларни қўллаш иккиламчи асоратланган бурун деформациясининг шаклланишини башорат қилиш ва имкон қадар олдини олиш ва бир томонлама ЛТКни бартараф этгандан сўнг беморларни эстетик ва функционал реабилитация қилиш нуқтаи назаридан жарроҳлик аралашувлар натижаларини яхшилаш имконини берди;

ЛТК бўлган беморларда хейлоуранопластикадан кейинги иккиламчи бурун деформациясини баҳолаш усулини қўллашни асослаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси юз-жағ жарроҳлиги бўлими фаолиятига ва Самарқанд вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази юз-жағ жарроҳлиги булими (Самарқанд давлат тиббиёт университети эксперт кенгашининг 05.07.2023 йилдаги хулосаси) амалиётига жорий этилди.

**Тадқиқот натижалари апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан, 2 халқаро ва 3 республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини нашр қилиш.** Диссертасия мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 6 та мақола, улардан 3 та республика ва 4 та халқаро журналларда, барча мақолалар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертасиялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

**Диссертациянинг таркиби ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва талабгорлиги асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг мамлакат фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, натижаларнинг ишончлилиги, хусусиятлари ва амалий натижалар, апробация ва тадқиқот натижаларини нашр этилиши, шунингдек, диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бир томонлама лаб ва танглай кемтиклари билан буруннинг бирламчи ва иккиламчи деформациясини ташхислаш ва даволаш усуллари тақомиллаштириш муаммосининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган биринчи боби адабиётлар таҳлиliga бағишланган. Унда бир томонлама лаб ва танглай кемтиклари билан буруннинг бирламчи ва иккиламчи деформациясининг диагностикаси ва даволашига оид илмий ишлар хронологик тартибда ёритилган ва таҳлил қилинган. Кўпгина илмий манбаларни таҳлил қилиб, орофасциал кемтикларининг таснифи ва диагностикаси, бир томонлама лаб ва танглай кемтикгини бирламчи жарроҳлик усуллари, эстетик натижани баҳолаш, бир томонлама кемтикли буруннинг иккиламчи деформациясининг пайдо бўлиши, этиологияси ва таснифи ҳақида маълумотлар берилган. Лаб ва танглай кемтиклари учраши ва уларни жарроҳлик усуллари, шунингдек, юз-жағ жарроҳлигининг ушбу долзарб муаммоси бўйича тадқиқотларни давом эттириш зарурлиги асосланади.

Диссертация ишининг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида бир томонлама лаб ва танглай кемтиклари билан буруннинг бирламчи ёки иккиламчи деформациясидан азият чекувчи шахсларга тиббий ёрдам кўрсатишни тақомиллаштиришнинг клиник материаллари, тадқиқот усуллари ёритилган. Ушбу боб 6 та кичик бобларда тавсифланган.

2020 йил октябр ойидан 2023 йил апрелигача “Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети”нинг Юз-жағ жарроҳлиги кафедраси базаси ва “Самарқанд вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази”нинг юз-жағ бўлимида даволанган лаб-танглайнинг иккиламчи деформацияси, шунингдек буруннинг деформацияси билан хасталанган 215 нафар бемор танланди, шундан 106 нафари, киритиш мезонларини ҳисобга олган ҳолда тадқиқотга киритилди.

Тадқиқот намунаси 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 40 эркак ва 66 аёлни ўз ичига олди, ўртача ёш 18,2 ни ташкил қилди, аёлларда ўртача ёш  $16,7 \pm 1,8$  ни, эркакларда эса  $20,2 \pm 4,8$  ни ташкил қилди.

Ҳар бир беморга стоматологик ва юз-жағ реабилитацияси бўйича муолажалар ўтказилди (ортодонтик, ороназал оқмани ёпиш, бимаксилляр ортогнатик жарроҳлик ва бошқалар), туғма нуқсонни бартараф этиш бўйича кейинги жарроҳлик аралашуви режалаштирилмаган.

Жарроҳлик усулини қўллаш бўйича ретроспектив тадқиқотга киритилган беморлар 2 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ тоғай ва композит V-Y тоғай лахтаги ёрдамида ринопластика, шунингдек кемтикни тузатиш учун тўсиқли тоғай трансплантанти ёрдамида септопластика қилинган 56 бемордан иборат бўлди. 2-гуруҳга тоғай ва композит V-Y тоғай лахтаги ёрдамида фақат ринопластика қилинган 50 нафар бемор кирди.

Беморларга умумий клиник қон текшируви, биокимёвий қон текшируви ва гемостаз тизимининг скрининги ўтказилди. Текширувнинг инструментал усулларида нафас олиш тизими яллиғланиш касалликларини истисно қилиш учун кўкрак қафаси рентгенограммаси ва ЭКГ ўтказилди. Тўсиқ оғиш бурчаклари операциядан олдин, шунингдек, компьютер томографияси ёрдамида операциядан кейин ҳам қайд этилди. Бурилиш бурчаги С шаклидаги септал девиация учун ёки С-шаклидаги септал оғиш учун бир нечта бурчакларда қайд этилди. Бир томонлама лаб ва танглай кемтикларини тузатишдан сўнг, лаб / танглай / буруннинг иккиламчи деформациясини баҳолаш куйидагича амалга оширилди:

1. Кернаҳан Y-таснифи бўйича кемтик лаб, кемтик лаб ёйи ва кемтик лабнинг таснифини кўллаш;
2. Миллард бўйича бир томонлама лаб кемтикларини бирламчи тузатиш усуллари аниқлаш;
3. Мотье операциядан кейинги баҳолаш шкаласи бўйича бир томонлама лаб кемтикларини тузатишдан сўнг, лаблар / бурун деформацияларини баҳолаш (1-жадвалга қаранг).

### Жадвал 1

#### Бир томонлама лаб кемтикларини пластикадан кейин лаб / бурун деформациясини баҳолаш

Анатомик элементлар	Баҳолаш меъзонлари	Баллар
Вермилион	Тумтоқлик	0,5
	V-сифат кесма	0,5
	Лабларнинг унилатерал катталашиши	1
	Лабларнинг унилатерал кичиклашиши	3
	Лаб контурининг девиацияси	0,5
Вестибуляр тумтоқлик	Тор	1
	Жуда кенг	2
Оқ бурма	Жуда қисқа	1
	Жуда узун	1
	M. orbicularis oris тўқимаси дефицити	3
	Купидон ёйи ва тор филтрум	4
	Купидон ёйи ва кенг филтрум	2
Чандиқ	Яхши	0
	Контрактура	1
	Келлоид	1
Бурун	Қисқа колумелла	0,5
	Бурун тўсиғи девиацияси	2
	Бурун тешиги кенг	0,5
	Бурун тешиги тор	0,5
	Субназал қисм жуда кенг	0,5
	Субназал қисм жуда тор	0,5
	Бурун қанотларининг енгил даражали қайрилиши	0,5
	Бурун қанотларининг оғир даражали қайрилиши	0,5
	Бурун тешигини контурида дефект	0,5
	Бурун қанотларининг юқори жойлашиши	0,5
	Бурун қанотларининг паст жойлашиши	0,5
	Бурун қанотларининг текис ва гипопластик типи	3,0

Дастлабки мурожаатда беморлар клиник ва рентгенологик мезонларга кўра баҳоланди ва 3,5x оптик зумли 8 мегапикселли камера билан фотосуратлар олинди. Операциядан олдинги ва кейинги фотосуратлар операциядан олдин ва кейин вертикал ва горизонтал текисликларда эстетикани баҳолаш учун ишлатилди. Ўртача натижалар ҳисоблаб чиқилган ва фотографик баҳолашдан кейин ўзгаришларни олдини олиш учун сефалометрик қийматлар билан тасдиқланган. Сефалометрия қийматлари операциядан олдинги ва операциядан кейинги латерал сефалограммаларда ҳисоблаб чиқилган бўлиб, улар сагиттал эстетикани баҳолаш учун ишлатилган.

Барча операциялар умумий огриксизлантириш остида амалга оширилди. Жарроҳлик тузатиш босқичлари қуйидагилардан иборат эди:

1. Икки томонлама тоғай ости кесма билан қўлланиладиган икки томонлама тескари U шаклидаги кесма.

2. Юқори латерал тоғайга, пастки латерал тоғайга ва қанотнинг асосида бириктирма ажратиш амалга оширилди. Пастки латерал тоғайга ва шиллик қаватни ўз ичига олган V-Ү лоскутлари яратилган. Кемтикнинг ён томонидаги пастки латерал тоғайни кўтариш учун гумбазлараро чок қўлланилди ва носимметрик бурун ва бурун тешигини узайтириш учун пастки ён тоғайга қарама-қарши юқори латерал тоғайга ёпиштириш учун "Тажима" типидagi чоклар қўлланилди.


3. Бизнинг янги техникамизда 1-ва 2-босқичга қўшимча равишда очик септопластика ҳам амалга оширилди. Септумнинг девиацияланган тоғай, этмоидал суякнинг перпендикуляр пластинкаси, вомер ва бурун суягининг олдинги қисми очилди. Бурун тўсиғи буруннинг олдинги қисмидан тўсиқнинг қийшайган тоғай қисмини кесиб, бурун орқа қисми ва колумелла билан 1,5 см четини қолдириб, ажратилди. Тўсиқнинг тоғайи кесиб ташланди ва бурун колумелласини мустаҳкамлаш, бурун учларини узайтириш ёки бурун қанотларини мустаҳкамлаш учун ишлатилди (1-расмга қаранг. А-Б).

4. Муқобил осиб қуйиш усулида (1 Д расмга қаранг), пастки латерал тоғайга юқори нуктаси, бир хил томонда юқори латерал тоғайга бириктирилди.

5. Ниҳоят, кесмалар тўсиқнинг ҳолатини сақлаб қолиш учун икки томонлама бурун бўшлиғида дока билан ёпилди. Қайта тикланган бурун шаклини сақлаб қолиш учун буруннинг ташқи юзалари ҳам 1 ҳафта давомида дока билан қопланди.

6. 2-гуруҳдаги беморлар Цанг ва бошқалар томонидан тасвирланган жарроҳлик техникасидан ўтдилар. 1-2-босқичларга қўшимча равишда, агар керак бўлса, бушлиқни чоклари билан қўшимча ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, пастки латерал тоғайларнинг икки томонлама заифлиги туфайли чўкки проекциясининг икки томонлама етишмаслиги бўлса, бу усул кулоқнинг тоғайига колумеллар ўралган трансплантанти билан

мустаҳкамланди. Кейин дорсал юмшоқ тўқималар керак бўлганда ёғсизлантирилди. V-Ү лоскути 5-0 чоклар ва колумелла 5-0 пролен билан тикилди. Операциядан кейин 4 ҳафтагача бурун стентлари транссептал чоклар билан ўрнатилди.



**Расм 1.** Септал тоғай трансплантанти билан ринопластика. (А) Тўсиқ тоғайини очиш. (Б) Бурун учига тўсиқ тоғайини қўйиш (В) Бурун тўсизини чўзувчи ва бурун учини кўтарувчи бурун колумелласига тоғай тўсизини кўчириб ўтказиш (Г) Кемтик томондан пастки латерал тоғайини осилтириш.

7. Беморлар дастлаб операциянинг биринчи ҳафтасидан сўнг қайта кўриги ўтказилди ва кейин мунтазам равишда 1 ойлик ораликда, сўнгра 3 ва 6 ойда, жами 1 йил давомида кузатилди. Беморлар оғриқ, процедурадан кейин ноқулайлик ва нафас олиш функцияси борасида текширилди.

Жарроҳликдан сўнг беморлар операциядан 7 кун ўтгач текширилди, сўнгра операция натижалари операциядан камида 6 ой ўтгач, клиник текширув орқали таҳлил қилинди. Операциядан кейинги натижалар жарроҳлик тузатишнинг мураккаблигига қараб, ҳар бир қолдиқ аномалияга баллар белгилаш орқали баҳоланди. Бир томонлама лаб ва танглай кемтикларининг пластик жарроҳлик амалиётидан сўнг лаб/бурун деформациясини баҳолаш

натижасига (1-жадвал) кўра, иккиламчи операциялар натижаларининг прогнози ўрганилди (2-жадвал).

**Жадвал 2.**

**Бир томонлама лаб ва танглай кемтиклари билан буруннинг иккиламчи деформациясини жарроҳлик йўли билан тузатиш натижаларини аниқлаш.**

Кўрсаткичлар	Баллар
Аъло	0-1,5
Жуда яхши	2-3,5
Яхши	4-5,5
Қониқарли	6-8
Қониқарсиз	8,5-16

Жарроҳликдан 3 ой ўтгач бурун функцияси субъектив ва объектив равишда бурун обструкцияси белгиларини баҳолаш учун шкала (NOSE) ёрдамида баҳоланди (3-жадвал).

**Жадвал 3**

**NOSE шкаласи орқали бурун обструкцияси аломатини баҳолаш.**

Кўрсаткичлар	Йуқ	Енгил	Ўрта	Оғир	Жуда оғир
Бурун битиши ёки чекланганлиги	0	1	2	3	4
Бурун битиши ёки обструкцияси	0	1	2	3	4
Бурун орқали нафас олиш муаммолари	0	1	2	3	4
Уйқу билан боғлиқ муаммолар	0	1	2	3	4
Жисмоний машқлар пайтида нафас қисилиши	0	1	2	3	4

Ринопластика операциясидан олдин ва кейин қониқиш сўровномалари операциядан 3 ой ўтгач беморларнинг тиббий карталаридан олинди. Маълумотлар буруннинг бел қисми, чўққиси, бурун тешиги ва колумелла, қанотлари ва қанот асосининг кўринишини баҳолаш учун визуал аналог шкала (VAS) усули ёрдамида 0 дан 10 гача баҳоланди. 6 дан кам балл ҳолатларида норозилик билан боғлиқ, 6 дан юқори балл эса қониқиш билан боғлиқ, умумий балл 30 дан кам бўлса, норозилик, 30 дан ортиқ балл эса қониқиш билан боғлиқ деб қабул қилинди.

4-жадвалда ринопластика билан биргаликда септопластикадан фойдаланишга қараб беморларнинг субъектив ҳис-туйғуларини янада аниқроқ баҳолаш учун модификациялаштирилган ROE сўровномаси саволлари келтирилган. Берилган барча саволлар биринчи устунда келтирилган бўлиб, ҳар бир саволга 0 дан 4 баллгача балл қўйилган, бу ерда 0 - энг паст қиймат ва 4 - энг юқори қиймат; умумий балл 20 баллни ташкил етди. Бошқа иккита устунда операциядан олдин ва кейин ҳар бир савол учун жавоб баллари

кўрсатилган, ўртача, стандарт оғиш ва медиана (энг кўп тайинланган балл) батафсил тавсифланган. Ушбу сўров операциядан 3 ой ўтгач ўтказилди.

**Жадвал 4**

**ROE сўровномаси орқали беморларнинг субъектив фикрини аниқлаш.**

Кўрсаткичлар	Йуқ	Енгил	Ўрта	Оғир	Жуда оғир
Буруннинг кўриниши сизга ёқадими?	0	1	2	3	4
Бурун тикилиши йечими	0	1	2	3	4
Бурун орқали нафас олиш яхшиланди	0	1	2	3	4
Ринит белгиларини бартараф етиш	0	1	2	3	4
Ҳид билиш ҳисси яхшиланади	0	1	2	3	4


Диссертациянинг “Хейлопластикадан сўнг бир томонлама лаб ва танглай кемтиги бўлган беморларда бурун деформациясининг клиник-анатомик хусусиятлари” деб номланган учинчи бобида клиник ва лаборатория, инструментал тадқиқот усуллари маълумотлари баён этилган. Бир томонлама лаб ва танглай кемтикларини бирламчи жарроҳлик тузатишдан сўнг қолдиқ деформациялар турларининг пайдо бўлиш частотаси таҳлил қилинган. Олинган маълумотларга кўра, деформациянинг энг кенг тарқалган шакллари лаб қизил хошиясининг V шаклидаги тирқиши ва лаб контурининг оғиши бўлиб, 54 ҳолатни (50,9%) ташкил этди. Шунингдек, 5 та ҳолатда (4,7%) бир томонлама қалинлашув ва 6 беморда (5,6%) бир томонлама лабнинг ингичкалаши қайд этилди, беморларнинг ҳеч бирида келоид ёки тўмтоқли деформация бўлмаган. Бирламчи лаблар / бурун операциясидан ўтган 106 бемор орасида 20 беморда (18,8%) лаб териси етишмаётган ҳолат кузатилди. M. orbicularis oris етишмовчилиги ва тор ёки кенг Купидон ёйи ҳолатлари аниқланмади.

**Жадвал 5**

**Буруннинг иккиламчи деформацияси (n=106)**

Кўрсаткичлар	Беморлар сони (n=106)	Фоизда (%)
Қисқа колумелла	12	11,3
Бурун тўсиғининг девиацияси	65	61,3
Кенг бурун тешиги	0	0
Буруннинг тешиги тор	48	45,2
Субназал қисми жуда кенг	0	0
Субназал қисми жуда тор	0	0
Буруннинг озгина буришиши	25	23,6
Сезиларли букилган бурун	0	0
Бурун тешигининг контуридаги нуқсон	65	61,3
Буруннинг қаноти баланд	4	3,8
Бурун қанотларининг паст ҳолати	32	30,2
Бурун қанотларининг ясси ва гипопластик тури	5	4,7

Бурун деформациясининг турлари 5-жадвалда келтирилган. Энг кўп учрайдиган деформациялар 106 бемордан 65 нафарида (61,3%) бурун тўсиғининг девиацияси ва бурун тешиги четидаги нуқсонлар бўлди. 106 беморнинг 48 тасида (45,2%) бурун тешиги тор, 106 беморнинг 25 тасида (23,6%) қанотлар камроқ қийшиқ, 106 беморнинг 32 тасида (30,2%) бурун тешиги паст эди. Бундан ташқари, 106 нафар беморнинг 12 нафарида (11,3%) калта колумелла, 106 нафар бемордан 4 нафарида (3,8%) юқори жойлашган қанотлар, 106 нафар беморнинг 5 нафарида (4,7%) гипертрофик ва ясси бурун қаноти қайд этилди (2-расм).




**Расм 2.** Бурун деформациясининг турлари. (А) Бурун тешигининг контуридаги нуқсон; (Б) Бурун қанотларининг ясси ва гипопластик тури; (В) Қисқа колумелла буруннинг тешиги тор; (Г) Бурун тўсиғининг қийшайиши, бурун қанотларининг энгил букилиши, тор бурун тешиги.

Лаблар ва буруннинг деформацияси натижалари бажарилган бирламчи жарроҳлик усулига қараб ўзгариб турарди. Кўпроқ Миллард усули 58 нафар беморларда (54,7%) қўлланилди, Теннисон усули 34 беморда (32,1%) ва Во усули 14 беморда (13,2%) қўлланилган. Миллард усулида операция қилинган 58 нафар бемордан 17 нафарида яхши натижа (29,3 фоиз), 33 нафарида (56,9 фоиз) қониқарли натижа, 8 нафарида (13,8 фоиз) мақбул натижалар қайд этилди. Теннисон усулида операция қилинган барча 34 бемор қониқарли натижаларга эришди. Во усули бўйича операция қилинган барча 14 бемор яхши натижаларга эришишди.


Кузатишимизга кўра, Теннисон усулининг афзаллиги шундаки, у лабнинг яхши баландлигини таъминлайди, Миллард усули эса тадқиқотимиз натижалари, шунингдек Залекас ва бошқаларнинг маълумотларига кўра, лаб кенглигининг етишмаслигини қоплайди.

Диссертация ишининг “Объектив ва субъектив эстетик таҳлил натижалари, бир томонлама лаб ва танглай кемтики тузатилгандан кейин бурун деформациясига учраган беморларда ташқи нафас олиш функциясини ва беморларнинг қониқиш даражасини ўрганиш” деб номланган тўртинчи боби уч қисмдан иборат. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, лаб ва танглай кемтиги бўлган беморларда эстетик натижаларни баҳолаш қийин иш эмас. Келажақда баҳолаш тизимлари клиник қўлланилиши тамойилларига мувофиқ ишлаб чиқиши керак, бу эса турли хил соғлиқни сақлаш мутахассисларига, ҳатто ушбу патология буйича тажрибасиз шифокорларга ҳам, юқори даражада такрорланадиган эстетик баҳолашларни сифатли ўтказишга имкон беради.

Иккала гуруҳдаги бурун обструкцияси операциядан олдинги бир хил оғирлик даражасига эга бўлиб, бу NOSE шкаласида акс эттирилди ( $p > 0,05$ ). Аммо операциядан кейин фақат 1-гуруҳдаги беморларда бурун обструкцияси сезиларли даражада камайди ( $p < 0,05$ ) (3-расм).



**Расм 3.** Бурун обструкцияси белгиларини баҳолаш натижалари (NOSE шкаласи): CH- статистик жиҳатдан аҳамиятсиз; \* $p < 0,05$




**Расм 4.** Операциядан олдин ва кейин икки гуруҳнинг бурун тўсигининг оғиш бурчагининг ўртача қийматини таққослаш натижалари: CH- статистик жиҳатдан аҳамиятсиз; \* $p < 0,05$

Бурун тўсиғининг тузилишини тушуниш ва содалаштириш учун оғиш бурчагига қараб 4 кичик гуруҳга бўлинди: нормал (бурилиш бурчаги  $\leq 5^\circ$ ), енгил (бурчак бурчаги 5 дан  $10^\circ$  гача), ўртача (бурчак оғиши 10 дан  $20^\circ$  гача) ва аниқ (оғиш бурчаги  $>20^\circ$ ).

Иккала гуруҳдаги бурун тўсиғининг оғиш бурчаклари операциядан олдин сезиларли фарқларга эга эмас эди ( $p > 0,05$ ). Бироқ, бурун тўсиғининг оғиш бурчаклари операциядан кейинги даврда фақат 1-гуруҳда камайди (операциядан олдин  $11,2 \pm 3,9$  дан кейин  $9,1 \pm 2,35$  гача;  $p < 0,05$ ) (4-расм).

Шундай қилиб, биринчи гуруҳ беморларида бурун тўсиғининг ўтказувчанлиги 2-гуруҳидаги беморларга қараганда яхшироқдир, бу тўсик тоғайи трансплантанти ёрдамида септопластикадан сўнг беморларнинг нафас олиш тизимининг юқори ва етарли даражада функционал реабилитациясини кўрсатади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, 1-гуруҳдаги беморлар (ринопластика + септопластика) ёлғиз ринопластикани ўтказган беморларга қараганда буруннинг кўпроқ функционал қийматини кўрсатдилар.

Икки жарроҳлик гуруҳи ўртасида операциядан кейинги бурун кўринишидан қониқиш даражасида сезиларли фарқлар мавжудлиги маълум бўлди ( $p < 0,05$ ) (5-расм). Биринчи гуруҳда операциядан кейинги косметик, эстетик таъсирга нисбатан VAS га кўра қониқиш 2-гуруҳига нисбатан юқори бўлди (76% га қарши 63,7%;  $p < 0,05$ ).




**Расм 5.** Операциясидан олдин ва кейин эстетик таъсирдан икки гуруҳ беморларининг субъектив қониқишини VAS бўйича солиштириши натижалари. СН- статистик жиҳатдан ахамиятсиз; \* $p < 0,05$

Бундан ташқари, 5 та пунктнинг ҳар бири учун VAS бали ва умумий бурун шакли бали операциядан кейинги 2 гуруҳ ўртасида сезиларли фарқни кўрсатди ( $p < 0,05$ ) (6-расм). Биринчи гуруҳ ҳар бир пунктда 2-гуруҳига қараганда юқори VAS балини кўрсатди (6-расм).


Шундай қилиб, беморларнинг субъектив баҳоси ринопластиканинг септопластика билан биргаликда сезиларли даражада юқори эстетик ва

функционал таъсирини кўрсатади, бу операциядан кейинги даврда беморларни сўров натижалари билан тасдиқланди.



**Расм 6.** Операциядан кейинги икки гуруҳда визуал аналог шкала (VAS) бўйича бурун шаклини баҳолаш натижалари (n=106; 56/50): \*p<0,05

Диссертациянинг “Хейлопластикадан сўнг бир томонлама лаб ва танглай кемтиги бўлган беморларда бурун деформациясининг эстетик ва функционал реабилитацияси” деб номланган бешинчи бобида катта ёшдаги беморларда бир томонлама ЛТК жаррохлик давосидан сўнг, бурун деформациясини эстетик ва функционал реабилитацияси ёритилган.



**7-расм.** Бир томонлама юкори лаб ва танглай кемтиккли беморларни ринопластика операциясидан кейинги функционал ва эстетик реабилитация алгоритми.




**8-расм.** Риносептопластика ўтказилган 1-гурух беморининг операциядан олдин ва кейинги ҳолати.



**9-расм.** Ринопластика ўтказилган 2-гурух беморининг операциядан олдин ва кейинги ҳолати.

Функционал реабилитация мақсадида беморларда операциядан кейин ринопневмометрия ўтказилди. Ринопневмометрия Л.А. Григорянц ва В.М. Безруков томонидан ишлаб чиқилган усулга кўра амалга оширилди. Бурун орқали нафас олиш даражаси Н.С. Мельников ва Л.Б. Делняк томонидан ишлаб чиқилган, бурун йўллари ни ўтувчанлигини аниқловчи ускуна ёрдамида операциядан 1,2,3 ҳафта ўтиб аниқланди. Олинган маълумотлар сув устунидан 4-6 мм ни ташкил қилувчи ўртача кўрсатмага нисбатан солиштирилди. Тадқиқот барча 106 та беморда ўтказилди. Ринопневмометрия натижаларига кўра 1-гурух беморларда операциядан кейинги 7-14 кунларида бу кўрсаткич 6,18 ммга ва 21-30 кунларга келиб 5,09 мм гача тушди. 2- гуруҳ беморларда эса операциядан кейинги 7-14 кунларга келиб 12,48 ммни ва 21-30 кунларда, аксинча, 13,09 ммгача кўтарилди, яъни ўзгариш сезиларли даражада бўлмади (10-расм).



**10-расм.** Икки гурух беморларда операциядан кейинги ринопневмометрия натижалари.

Функционал реабилитация мақсадида операциядан сўнг бемор бурун бўшлиғи анъанавий турундалар ўрнига коллаген гемостатик губкаларидан фойдаланилди. Коллаген гемостатик губка бурун бўшлигини зич булмаган ҳолатда тампонада қилиш учун ўрнатилди. Коллаген гемостатик губка маҳаллий гемостатик ва антисептик таъсир қилиб, туқима регенерациясини стимуллайди. Кон кетаётган юза билан контактда бўлган коллаген гемостатик губка маҳаллий туқимага адгезия бўлиб, тромбоцитлар агрегацияси юзага келади. Материал 3-5 кундан сўнг жароҳатдан олинди. Қолдиқ губка қисмлари бутунлай сўрилди. Коллаген биогедрадацияси ва (лизис) маҳсулотлари жароҳатни тиклаш жараёнини кучайтиради ва тезлаштиради. Губка таркибидаги бор кислотаси ва нитрофурал антисептик ва антибактериал таъсир қилади. Шу орқали бемор операциядан сўнг қийинчиликларсиз нафас олиши мумкин.



(a)



(b)

**11-расм.** (a) Ташиқи бурунни қоплаш учун пешонага ёпишувчи таянчли модифицирланган термопластик сплинт (bess|rhino Thermo-Splint). (b) ташиқи бурунга термопластик сплинт фиксация қилингандан сўнг.

Эстетик реабилитация мақсадида операциянинг охириг босқичида шакллантирилган бурун структурасини ўзгармаган ҳолатда сақлаб қолиш мақсадида пешонага ёпиштирилувчи таянчли модифицирланган термопластик сплинт (11-расм) дан фойдаланилди. ЛТК ли беморлар бурун стуркурасига катта ўзгартиришлар киритилганлиги сабабли бурун ҳолатини операциядан сўнг сақлаб қолиш муҳим масала ҳисобланади. Қуйидаги термопласт сплинт операциядан кейинги бурун шаклини сақлаб қолади, деформация ва коллапснинг олдини олади. Буруннинг ташки кўринишига қониқмаслик ва функционал чекловлардан қатъий назар қуйидаги сплинт ҳам эстетик ҳам функционал ҳолатни яхшилайти ва бемор ҳаёт сифатига ишончини оширади.

Жуда зич жойлаштирилган термопласт шина бурун тана қисми терисида ишемияни чақиритиши мумкин. Шу сабабли оғриқ ҳиси бўлган беморларда тезда қайта боғлам ўтқазилди ва шина алмаштирилди.

## ХУЛОСАЛАР

**«Катта ёшдаги беморларда бир томонлама юқори лаб ва танглай кемтигини жарроҳлик давосидан сўнг бурун деформациясини эстетик ва функционал реабилитацияси»** мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертациясини бажаришда олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Тадқиқот натижаларига кўра, бурун тўсиғининг девиацияси ва бурун тешиги четидаги нуқсонлар 61,3% ҳолларда бурун деформациясининг энг кўп учрайдиган шакллари бўлса, 45,2% да тор бурун тешиги, 30,2% да паст жойлашган бурун қанотлари, ва 23,6% да букилган бурун қанотлари, 11,3% қиска колумелла, 4,7% гипертрофияланган ва ясси бурун қанотлари, 3,8% ҳолларда юқори жойлашган бурун қанотлари қайд этилди.

2. Бир томонлама ЛТК учун бирламчи операция сифатида Вонинг лаб кенглигини сақловчи операцияси 100% ҳолларда яхши натижа кўрсатди, Теннисоннинг лаб бўйини сақлаш бўйича операцияси эса 100% қониқарли натижани, Миллиард операцияси эса 56,9% ҳолларда тор лаб тирқиши бўлганда қониқарли натижа берган.

3. Бир томонлама ЛТКни бирламчи жарроҳлик йўли билан тузатишдан сўнг, назолабиал соҳанинг объектив эстетик натижалари тахлили буйича лаблар ва бурунни алоҳида баҳолашда статистик жиҳатдан муҳим фарқлар аниқланмади ( $p = 0,347$  ва  $p = 0,115$ ), битта компонент сифатида бурун-лаб соҳасини баҳолашда эса тажрибаси нисбатан кам бўлмаганларга қараганда, тажрибали мутахассисларнинг қониқиш кўрсаткичи анча юқори бўлди ( $p=0,005$ ).

4. NOSE шкаласи бўйича 1-гурух беморларида (тоғай осилтириш ва композит V-Y тоғай трансплантанти ёрдамида ринопластика, тўсиқ тоғайи трансплантанти ёрдамида септопластика), бурун обструкцияси, бурун тўсиғининг аниқ оғиши билан бурчаклар статистик жиҳатдан сезиларли даражада камайди ( $p < 0,05$ ), 2-гурух беморлари билан солиштирганда (тоғай осилтириш ва композит V-Y тоғай трансплантанти ёрдамида ринопластика), бу беморларнинг нафас олиш тизимини етарли даражада функционал реабилитация қилишга ёрдам беради.

5. Модификациялаштирилган ROE сўровномаси комбинацияланган жарроҳлик-риносептопластикани ўтказган беморлар гуруҳида 87,5% дан 98,2% гача функционал ва эстетик субъектив қониқишни кўрсатди, ринопластика ўтказган беморларда эса бу кўрсаткич 74% -90% ни ташкил этди ( $p < 0,05$ ).

6. Такомиллаштирилган функционал ва эстетик реабилитация алгоритминини қўллаганда, операциядан сўнг беморлар нафас олиши билан боғлиқ муаммолар юзага келмади шунингдек, бурун структураси операция вақтидаги ҳолатдан деярли ўзгаришсиз қолди ва ҳаёт сифати яхшиланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ТУКСОНБОВ НУРМУХАММАД ХАМЗАЕВИЧ**

**ЭСТЕТИЧЕСКАЯ И ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ РЕАБИЛИТАЦИЯ  
ПОСЛЕ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ДЕФОРМАЦИИ  
НОСА У ВЗРОСЛЫХ С ОДНОСТОРОННЕЙ РАСЩЕЛИНОЙ  
ГУБЫ И НЕБА**

**14.00.21 – Стоматология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОР ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2024**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за B2022.1.PhD/Tib2510**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Ученого совета ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Руководитель:** **Ризаев Жасур Алимджанович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Юлдашев Абдуазим Абдувалевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Юсупов Руслан Доккаевич**  
доктор медицинских наук, профессор (Российская Федерация)

**Ведущая организация:** **Университет технологии МАРА ( Малайзия)**

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета при Самаркандском государственном медицинском университете DSc.04/05.06.2020.Tib.102.02 в 2024 году «\_\_» \_\_\_\_\_ часов \_\_\_\_\_. (Адрес: г. Самарканд, ул. Амира Темура, 18 Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс 6623775 (366); e-mail: [ilmiuprorektor@sammu.uz](mailto:ilmiuprorektor@sammu.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного медицинского университета (зарегистрирован под номером \_\_\_\_\_). Адрес: 140100, г. Самарканд, улица Амира Темура, 18. Тел./факс: (+99866) 233-07-66; факс 6623775 (366)

Автореферат диссертации распространен \_\_\_\_\_ 2024 года.

(Регистрационный протокол № \_\_\_\_ от 2024 г. «\_\_» \_\_\_\_\_).

**Г.У. Лутфуллаев**

Заместитель председателя научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

**Г.У. Самиева**

Ученый секретарь Ученого совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**М.Т. Насретдинова**

Председатель научного семинара при ученом совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** «Орофасциальные дефекты являются одним из наиболее распространенных краниофасциальных врожденных дефектов, вторым по распространенности врожденным аномалием и представляют собой беспрецедентную и нерешенную медицинскую, социальную и экономическую проблему здравоохранения»<sup>1</sup>. Расщелина губы и неба (CLP) встречается примерно у 4,5 из каждых 10 000 новорожденных. Несмотря на прогресс и успехи, достигнутые в коррекции деформации носа при первичной ринопластике у детей, недостаточность тканей и альвеолярное смещение, характерное для полной РГН, могут затруднить достижение эстетического и функционального результата первичной ринопластики, что часто приводит к повторной ринопластике. Для полной реабилитации таких пациентов необходима вторичная ринопластика у взрослых. При первичном и вторичном хирургическом лечении комплексный многогранный подход с полным пониманием анатомических сложностей РГН с адекватной эстетической и функциональной оценкой пациентов является одним из наиболее сложных и важных вопросов современной хирургической стоматологии. Количество описанных в литературе методик ринопластики отражает сложный характер вторичной ринопластики при деформации носа после первичного удаления РГН. Соответственно, с точки зрения эстетической и функциональной удовлетворенности данной категории пациентов полная коррекция вторичной деформации носа остается сложной задачей для стоматологов-хирургов, что также связано с отсутствием устоявшегося хирургического протокола или алгоритма.

В мировой практике на данный момент одним из наиболее актуальных вопросов остается ситуация, связанная с ранней и комплексной диагностикой риска развития вторичной деформации носа у пациентов после устранения одностороннего РГН.

На современном этапе развития здравоохранения в нашей стране продолжается масштабная работа по социальной защите населения и реформированию системы здравоохранения. Положительные результаты достигаются в области челюстно-лицевой хирургии детей и взрослых, особенно в своевременной диагностике и выявлении детей с расщелинами губы и неба, ортодонтической подготовке к первичной хейлопластике и реабилитации больных. Однако этим пациентам необходимы доказательные исследования для улучшения ближайших и отдаленных результатов лечения, а также предотвращения выраженной деформации носа после первичной хирургической коррекции расщелины губы и неба. 27.11.2023 года Президента Республики Узбекистан решением Службы медико-социальной экспертизы № ПП-22 о мерах по дальнейшему совершенствованию системы установления инвалидности у детей определены задачи ведения полноценной жизни инвалидов и направления их на реабилитацию. Реализация этих задач, в том

---

<sup>1</sup> Sazo J.S., Molina R.T., Fierro-Monti C., Perez-Flores A. Presurgical orthopedics in patients with cleft lip and palate: nutrition, aesthetics and gap between maxillary segments. A systematic review. *Odontostomatología*. 2021; 23(38)

числе индивидуальный подход к выбору хирургического метода в каждом отдельном случае, понимание сложности РГН, улучшение результатов первичной и вторичной хирургической коррекции, является сегодня одним из основных направлений.

